

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРОВА ДИЛДОРА ИЛХОМОВНА**

**ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕЪРИЯТИ ПОЭТИКАСИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Назарова Дилдора Илхомовна**

Жамол Камол шеърляти поэтикаси.....5

**Назарова Дилдора Илхомовна**

Поэтика поэзии Джамала Камала.....25

**Nazarova Dildora Ilkhomovna**

Poetry of Jamal Kamal poetics.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРОВА ДИЛДОРА ИЛХОМОВНА**

**ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕЪРИЯТИ ПОЭТИКАСИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil800 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (buxdu.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Кувватова Дилрабо Хабибовна  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** Қобилов Усмон Уралович  
филология фанлари доктори, доцент

Сабирдинов Акбар Ғафурович  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Қарши давлат университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03.27.02.2020.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгашнинг 20 21 йил «20» май соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида таништиш мумкин (51 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14.)

Диссертация автореферати 2021 йил «26» april кuni тарқатилди.  
(2021 йил «23» aprilдаги 3 - рақамли ресстр баённомаси).



**Д.С. Ўраева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

**Г.И. Тоирова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, доктори, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Д.З. Ражабов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ижодий жараён, шеър поэтикаси ва бадий маҳоратнинг узвийлиги, шеърятда ифодаланиш асослари, анъана ва новаторлик масалалари, жанрлар тизими, вазн ва қофия хусусиятлари, бадий нутқ, шакл ва тасвирий воситалардан фойдаланишдаги индивидуаллик сингари масалалар доимий эътиборни тортиб келмоқда. Жумладан, ижодкор биографияси унинг асарларида акс этиши, индивидуал услубда намоён бўлувчи омилларни аниқлаш; жанр, мавзу, образларни таснифлаш каби қатор муаммоларни яхлит ҳолда тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида ижодкор услубини, поэтик маҳоратини белгиловчи омиллар сифатида у яшаган ижтимоий-сиёсий, адабий муҳит, адабий-эстетик қарашларнинг шаклланиши каби масалалар бўйича муайян изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда замонавий жаҳон адабиётшунослиги муайян ижодкор бадий маҳоратини ўрганиш асосида поэтика илмининг янги қирраларини кашф этишни тақозо этмоқда. Айниқса, замонавий адабиётшуносликда индивидуал услуб ва поэтик маҳорат, анъана ва новаторликни шеърини жанрлар ва шакллар ранг-баранглигида илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Истиқлол йиллари адабиёт илмида бадий адабиётни ижодий-индивидуал услуб, поэтика нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, ижодкорнинг поэтик маҳоратини ёритишга катта эътибор берилмоқда. «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг шеърини асарларини монографик тарзда ўрганиш, шеър ва дostonларига хос анъанавийлик, ворисийлик ва новаторлик хусусиятларини очиқ бериш, ижодкор бадий маҳоратини тадқиқ этиш текшириш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон «Ўзбек мумтоз ва

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослигида Аристотель, М.М.Бахтин, Л.Г.Пригожина, А.Н.Веселовский, А.А.Потебня йирик олимларнинг ишларида монографик аспектда тадқиқ этилган<sup>2</sup>. Ушбу тадқиқотларда поэтика масаласига адабиёт назарияси мезонларида ёндашилиб, унинг муҳим қонуниятлари эътиборга олинган.

Ўзбек адабиётшунослигида М.Қўшжонов, Н.Раҳимжонов, Б.Норбоев, А.Сабирдинов, Ш.Ҳасанов, И.Якубов Г.Ашурова, Ҳ.Нусратова, М.Холова, Ҳ.Ғаипова, А.Носиров, А.Қаюмов, А.Абдурахмон, Б.Ҳасанова, М.Давронова каби олимларнинг тадқиқотларида муайян ижодкор асарлари фаолияти поэтика ва бадиий маҳорат қирралари таҳлил этилган<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 152 б. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. М, 1979. – С. 222. Пригожина Л.Г. Проблемы поэтической драмы и советский театр рубежа 1920-1930 х годов. Учебное пособие. – Л., 1991. – 74 с. Веселовский А. Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – 224 с. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1990. – 299 с. Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – Москва: Искусство, 1976. – 614 с.

<sup>3</sup> Қўшжонов М. Ойбек маҳорати.–Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, Раҳимжонов Н.Асқад Мухтор поэтикаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2003. – Б.17. Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати. Филол.фан. номз. дисс.автореф. – Тошкент, 2004. – 46 б. В.Қодиров. Ҳозирги замон ғазаллари поетикасининг айрим хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. - Тошкент, 1993. - 15-16 б. Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талкин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари. Филол. фан. д-ри..дисс. автореф. – Тошкент: 1996. –54 б.<sup>3</sup> Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати. Филол.фан. номз. дисс.автореф. – Тошкент, 2004. – 46 б. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси. Филол. фан. докт. дисс. – Самарқанд, 2004. – 258 б. Ашурова Г. Абдулла Орипов шеърлятида анъана ва бадиий маҳорат (образ, гоя ва тасвир). Филол.фанлари номзоди.....дисс. автореф. – Тошкент : 2008. – 26 б. Нусратова Ҳ. Сафар Барноевнинг бадиий маҳорати. Филол.фанл. бўйича фалс. докт..дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 45 б. Холова М. Ўзбек модерн шеърляти поэтикаси Филол.фанлари номзоди.....дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 50 б. Ғаипова Ҳ Матназар Абдулҳакимнинг бадиий ва публицистик маҳорати. Филол.фанл. бўйича фалс. докт..дисс. автореф. – Тошкент, 2019. –54 б. Носиров А Одил Ёқубов романлари поэтикаси. Филол.фанл.докт.дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. –69 б. Қаюмов А Ҳозирги ўзбек насрида миллий характер ва бадиий маҳорат (Ўткир Ҳошимов ва Наби Жалолиддин ҳикоялари мисолида) Филол.фанл. докт. дисс. автореф. – Фарғона , 2018 . –53 б. Абдурахмон А. Ўзбек шеърлятида нур, ранг ва руҳият тасвири поэтикаси (анъана ва новаторлик аспектида). Филол.фанл. бўйича фалс. докт..дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 54 б. Ҳасанова Б Асқад Мухторнинг ҳикоянавислик маҳорати. Филол.фанлари доктори.....дисс. автореф. – Фарғона , 2018. – 56 б. Суванов З. Тоғай Мурод насрида образлар поэтикаси. Филол.фанл. бўйича фалс. докт..дисс. автореф. – Тошкент, 2019 . –50 б. Давронова М Ҳозирги ўзбек шеърлятида индивидуал услуб поэтикаси (Усмон Азим, Иқбол Мирзо,Фахриёр ва Абдували

Н.Раҳимжонов, Шукрулло, И.Ҳаққулов, О.Сафаров, А.Самад, Ш.Ҳасанов, Д.Қувватова, А.Самад, Х.Даврон, Р.Раупов, Д.Ражабов, Қ.Тўхсанов, Ш.Алдашева тадқиқотларида шоир ижодининг у ёки бу қирраси ўрганилган<sup>4</sup>. Адабиётшунослар О.Сафаров ва И.Ҳаққуловларнинг изланишларини бу йўлдаги салмоқли ишлар сифатида баҳолаш мумкин. Бинобарин, О.Сафаровнинг шоирнинг ижодий биографиясига оид кузатишлари, шу билан бирга кейинги йилларда чоп этилган тўпламларига берган баҳолари бу жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. И.Ҳаққулов эса Жамол Камол шеърятига хос хусусиятларни таҳлил ва талқин этган. Н.Раҳимжонов Ш.Ҳасанов ва Д.Қувватованинг изланишларида шоирнинг турли йилларда яратилган «Армон», «Тош туғён», «Қуёш чашмаси», «Варахша» сингари дostonлари муайян давр дostonчилиги контекстида текширилган. Ш.Алдашева эса шоир саккизликлари ҳақида фикр юритган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари зикр этилган ва бошқа бир қатор ўзбек, рус адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинган. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол шеърятининг жанрий таркиби,

---

Қутбиддин шеърят мисолида). Филол.фанлари доктори.....дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 66 б.

<sup>4</sup> Раҳимджанов Н. Лирическая поэма (на основе материалов узбекской поэзии 1961-1973 гг.): Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Ташкент, 1975. – 23 с. Раҳимжонов Н. Ўзбек совет адабиётида поэма. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.47-49. Раҳимджанов Н. Тенденции развития современной узбекской поэзии (70–80-е годы). Автореф.на соиск.ученой степ.докт.филол.наук. – Ташкент,1989. – 42 с. Раҳимжонов Н. Ёруғликнинг ҳарорат даражаси. Китобда: Жамол Камол. Булбулнома. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – Б. 451-477. Шукрулло. Шоир ҳақида сўз. Китобда: Жамол Камол. Умидли дунё. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 3., Ҳаққул И. Шеърят – дард ва умид демек // Бухоро мавжлари, 2008. № 3. –Б. 23. Ҳаққулов И. Шеърят – дард ва умид демек. Китобда: Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. I жилд. Аср билан видолашув. – Тошкент, Ғ.Фулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018.–Б. 5-21. Ҳаққул И. Ҳаёт Адабиёт ва Абодият. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 143-151. Сафаров О. Улкан шоир ва истеъдодли таржимон. Аср ҳақиқатларининг шеърый тараннуми. Зиёрат замзамалари ёхуд “Сафар дафтари” шеърый туркуми. Китобда: Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. –Бухоро: Дурдона, 2015. – Б.379-405. Самад А. Сувайдо... Китобда: Жамол Камол. Яна кўнглимда ул ой. –Тошкент: MERIYUS, 2010. –Б. 3-14. Ҳасанов Ш. Замонавий дoston поэтикаси. – Самарқанд, 2001. –142 б. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси. Филол.фанлари д-ри дисс... –Тошкент, 2004. –284 б. Ҳасан Ш. Истеъдоднинг рангин жилолари // Шарқ юлдузи, 2019, №1. – Б.109-115. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмаси. Тошкент: Туронзамин зиё, 2014. Қувватова Д. XX аср ўзбек дostonчилигининг тараққиёт хусусиятлари. Филол.фанлари д-ри дисс... –Тошкент, 2016. –268 б. Қувватова Д. Лирик кечинманинг эстетик табиати //Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, № 4. –Б. 65-68. Раупов Р.Миллатнинг ташриф қоғози ёки қалбини ҳақиқатга топширган шоир. <https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/jamol-kamol-adabiyot-nurli-soz.html>. Даврон Х. Кўкси куйик шоир. <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/jamol-kamol-xurshid-davron-koksi-kuyik-shoir.html>, Ражабов Д. Саккизлик шеър шакли ва жанри //Филология масалалари, 2016.–Б.138-141.Ражабов Д.Бадий образ ва ритм табиати // Монография. – Бухоро: Дурдона, 2002. – 116 б. Тўхсанов Қ. Маснавийи маънавий таржималарининг қиёсий таҳлили. Монография. – Бухоро: Дурдона, 2020. – 191 б. Тўхсанов Қ. Жамол Камол – моҳир таржимон // БухДУ Илмий ахбороти, 2020, № 4. – Б.181-190.Алдашева Ш. 70-90 йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик ва шеърый туркум табиати. Филол.фанл. бўйича фалс. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б.16-17.

мавзулар мундарижаси, анъанавийлик ва новаторлик белгилари, дostonчиликдаги шаклий-услубий изланишлари монографик тарзда махсус тадқиқ қилинган.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ёзувчи индивидуал услуби, маҳорати хусусиятларини очиш ва умумлаштириш» (2016-2021 йй.) йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жамол Камол шеърятининг жанрий таркиби, мавзу-мундарижаси, вазн хусусиятлари, бадиий тилини ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

адабиётшуносликда Жамол Камол ижодининг ўрганилиши масаласини ёритиш ва шоирнинг ижодий биографиясини яратиш;

шоир шеърятининг мавзулар мундарижасини аниқлаш ва жанрий таркибини очиб бериш;

шоирнинг аруз вазнидаги ғазал, мухаммас, мустазод, қасида, рубоий, фард жанридаги асарларини анъанавийлик ва новаторлик нуқтаи назаридан текшириш;

Жамол Камолнинг бармоқ вазнидаги шеърлари тузилишига хос хусусиятларни, қофия унсурларини очиб бериш;

шоирнинг дostonчиликдаги шаклий-услубий изланишларини, уларнинг бадиий қурилиши, вазнига хос жиҳатларни ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг «Яна кўнглимда ул ой» арузий китоби, «Аср билан видолашув» ва олти жилдлик Сайланмаси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Жамол Камолнинг «Яна кўнглимда ул ой» арузий китоби, «Аср билан видолашув» ва олти жилдлик Сайланмасига кирган шеърлари поэтикаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-типологик, лингвистик, герменевтик, психологик, биографик ва аналитик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат

муайян давр адабиёти, шеърятини текширилган ишлар ва махсус тадқиқотларда Жамол Камолга муносабат масаласи ёритилган, ижодкор шахсияти ва поэтик дунёқарашининг шаклланишига таъсир этган ижтимоий (оила муҳити, XX аср иккинчи ярми Бухоро адабий ҳаракатчилиги) ва халқ оғзаки ижоди, жаҳон ва Шарқ мумтоз адабиёти, бадиий таржима бадиий омиллар аниқланган;

шоир шеърятининг ғазал, қасида, мустазод, мухаммас, рубоий, фард каби жанрий жиҳатдан мумтоз ва саккизлик, тарона, дoston, баллада каби замонавий жанрлардан таркиб топганлиги асосланган; уларга хос вазн мутаносиблиги, рукн ва тuroқлар уйғунлиги, қофия, радиф унсурларининг



муайян изчиллик касб этиши каби анъанавийлик ва рубоий вазнида дoston ёзиш, бадий синтез сингари новаторлик масалалари ёритилган;

шоир ғазалларининг рамал, ҳазаж, ражаз баҳрларида: ғазали мусажжаъ, ғазали мувашшаҳ, ғазали назира кўринишларида яратилганлиги асосланиб; уларда яратилган анъанавий ой, юлдуз, қуёш тимсоллари маъшуқа ва ошиқ образида намоён бўлиши далилланган; рубоийларнинг ҳазаж баҳри ахрами абтар, ахрами макфуфи ажабб, ахрами максури аслам шажараларида ёзилганлиги далилланган; таронанинг мазмун жиҳатидан мумтоз адабиётдаги рубоий ва бадий шакл нуқтаи назардан замонавий шеърятдаги тўртликнинг бадий синтези эканлиги; мустақил ва тахмис мухаммасларда мазмуннинг ижтимоийлашуви, қасида руҳи етакчилик қилиши каби жиҳатлар аниқланган;

Шарқ шеърятдаги мусамман, Ғарб адабиётидаги октава жанри синтези сифатида юзага келган шоир саккизликларининг ахлоқий мазмуни ёритилган; бармоқ вазнидаги шеърларда жанр ва образ, туроқ ва банд муаммоси, симметрия ҳодисаси асосланган; шоирнинг лирик, лиро-эпик дostonлари мазмун-мундарижаси (тарихий, уруш, замонавий воқелик талқини, миллий озодлик), услубий изланиш маснавий, аруз, бармоқ, эркин вазнда ёзилган ва ривоят стилизациясига асосланган йўналишига кўра ички таснифланган; уларга хос чуқур лиризм, воқеабандлик хусусиятлари очиб берилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Жамол Камол поэтик маҳоратини белгиловчи бадий шакл ва вазн товланишлари, рамал ва ҳазаж баҳридаги ғазалларда ворисийлик масалалари Умар Хайём, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби мумтоз шоирлар ижоди билан қиёслаш аспектида очиб берилган;

шоир шеърятдаги ватан, муҳаббат, табиат лирикаси, ахлоқий шеърлар мавзулар гуруҳланган, ижодкорнинг ташбех, талмех, тажоҳули ориф, тазмин, тадриж санъатларини қўллашдаги бадий маҳорати ёритилган;

шоирнинг бармоқдаги асарлари жанрий жиҳатдан саккизлик, бадиҳа, дoston, тарона сингариларни қамраб олганлиги аниқланиб, замонавий шеърятнинг Ҳ.Олимжон, А.Орипов сингари вакиллари ижоди билан солиштириш орқали услубий индивидуаллиги умумлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг қиёсий-типологик, лингвистик, герменевтик, психологик, биографик ва аналитик усуллари воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижодкорнинг бадий маҳорати қирралари, поэтикаси, анъана ва новаторлик хусусиятлари, услубий индивидуаллиги,

шеър назарияси сингари бадий тафаккурдаги ўзгаришларни ўрганиш билан алоқадор тадқиқотларда мазкур иш муайян даражада илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Адабиётшунослик назарияси», «Янги ўзбек адабиёти», «Истиқлол даври ўзбек адабиёти» «Ҳозирги адабий жараён» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланма яратишда, адабиётшунослик терминлари луғатларини такомиллаширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жамол Камол шеърятининг поэтикасига хос хусусиятларни аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Жамол Камол шеърятининг жанрий таркиби, услуби ва тасвир маҳорати очиб берилган, бадий таҳлил қилиш мезонлари ишлаб чиқилган тавсиялардан, унинг аруз ҳамда бармоқ вазнида ёзилган шеърлари ва уларнинг бадий тафаккур ривожига аҳамияти ёритиб берилган таҳлиллардан Ф1-ХТ-0-19919-рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида (2012-2016) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 89-03-3551-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижалар асосида шеър назарияси ва поэтикаси билан боғлиқ илмий терминлар изоҳлари мукаммаллаштирилган;

истиқлол даврида ўзбек шеърятининг юз берган поэтик мазмун, шакл, образ янгиланишига хос хусусиятларни, бадий қонуниятларни, анъана ва новаторлик, аруз вазнида ижод қилишнинг давом эттирилиши каби масалаларни ёритишга Ф-1-06 «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги лойиҳада (2012-2016) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 89-03-3551-сонли маълумотномаси). Натижада юқорида кўрсатилган фундаментал лойиҳа диссертация материаллари орқали бойитилган ва «шеър услуби», «ижодий индивидуаллик», «анъана», «новаторлик», «бадий нутқ» каби илмий истилоҳлар изоҳлари мукаммаллаштирилган, мустақиллик даври шеърятининг шоир услуби ва индивидуаллиги муаммосини китобхонга аниқлаш, бунда масаланинг ижтимоий-психологик, бадий-эстетик жиҳатларига урғу бериш, ижодкор руҳий олами тадқиқ қилиш бўйича хулосалар чиқариш имконини берган;

Жамол Камол шеърятининг анъанавийликнинг Темурийлар даврида яратилган «Хамса» дostonлари мазмунидан фойдаланиш ва уларга хос бадий шаклни қўллашда намоён бўлганлиги; шоир шеърятининг ғазали мусажжаъ, ғазали мувашшах, ғазали назира, рубоий, тахмис-мухаммас, мустазод сингари хилма-хил жанрларнинг мавжудлиги билан боғлиқлигига оид илмий хулосалардан ОТ-Ф1-138-рақамли «Темурийлар даврида

яратилган «Хамса»ларнинг компаративистик тадқиқи» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2017-2020) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 январь 89-03-114-сонли маълумотномаси). Натижада шоирнинг ўзбек мумтоз шеъриятидан ўрганиш орқали ғазалнинг бир неча кўринишларида ижод қилганлиги; анъана ва ворисийлик; лирик жанрдаги изланишларида намоён бўлганлиги аниқланган;

замонавий адабиётшунослик муаммолари, ижодкор услуби, бадий маҳорати, шеър поэтикасига оид илмий қарашлардан Бухоро Вилоят Телерадиокомпаниясида «Адабий муҳит», «Асрларнинг асраганлари» кўрсатувларининг 2019 йил апрель ва июнь сонидagi сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил апрель ва май сонидagi №1/60-рақамли маълумотномаси). Натижада мухлисларнинг XX аср ўзбек адабиётининг таниқли намоёндаси, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ҳақидаги маълумотларини кенгайтиришга, адабиёт фонди заҳирасини бойитишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 5 та, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, хорижий журналда 3 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 166 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ижодкор шахсияти ва поэтик дунёқараш**» деб номланган ва икки фаслдан иборат. Дастлабки фаслда Жамол Камолнинг ижодий биографияси ва унинг адабиётшуносликда ўрганилиш масалалари ўрганилган. Бунда шоир ижодига бағишланган тадқиқотлар иккига бўлиб таснифланган: *1. Муайян давр адабиёти ва шеърияти хусусиятлари текширилган ишларда Жамол Камолга муносабат масаласи.* Бу гуруҳга Н.Раҳимжонов, Ш.Ҳасанов, Д.Қувватоваларнинг

докторлик, Ш.Алдашеванинг фалсафа доктори диссертацияларини киритиш мумкин. 2. *Жамол Камол ижодига бағишланган махсус тадқиқотлар*. Бунга О.Сафаров, И.Ҳаққулов, Н.Раҳимжонов, Шукрулло, А.Самад, Х.Даврон, Р.Раупов сингари олимларнинг шоир тўпламларига ёзган сўзбошилари, мақола ва тақризлар мисол бўла олади.

Таниқли адабиётшунос олим Н.Раҳимжонов шоирнинг «Тош Туғён» достонини лирик поэма сифатида таҳлил этади. Унда ёш шоир Жамол Камолнинг туйғу-кечинмалари акс этганлигини, асарда фикр ичида ҳислар ва ҳиссиётлар ичида фикр берилганлигини таъкидлайди<sup>5</sup>. Ёхуд замонавий ўзбек шеърятининг тараққиёт хусусиятларини текширар экан, олим она образи бадий гавдалантирилган достонлар қаторида Ж.Камолнинг «Армон» асарини тилга олади. Унда адабиётшунос фидоий, меҳрибон, бағрикенг ўзбек онасининг бетакрор сиймоси яратилганлигини таъкидлайди<sup>6</sup>. Яна олим давр шеърятда тафаккурнинг турли кўринишлари – медитатив-аналитик, гражданлик ватанпарварлик руҳи устувор бўлганлигини қайд этади ҳамда бу услубий жанрий изланишлар Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, О.Матжон, М.Али сингари катта ижодкорлар қаторида Ж.Камолни ҳам тилга олади<sup>7</sup>. Адабиётшуноснинг ўзбек поэмаси тадрижи таҳлил этилган тадқиқотида эса шоир лирикаси ва унинг «Тош туғён» ва «Армон» достони билан боғлиқ нозик кузатишлар акс этган. Кўринадики, отахон адабиётшунос тадқиқотларида давр адабий контексти мисолида шоир ижодига баҳо берилган.

Жамол Камол ижоди махсус ўрганилган тадқиқотлар сирасида адабиётшунос О.Сафаров кузатишлари алоҳида ўрин тутди. Олимнинг мақоласини Жамол Камолнинг батафсил ижодий биографияси дейиш мумкин. Чунки адабиётшунос Ж.Камолни шоир қилиб етиштирган муҳит, дастлабки ижоди, унинг серқирра фаолияти – шеърят, таржима асарлари ҳақида фикр юритилган. «Жамол Камол поэзиясининг характерли жиҳати унда лирик-психологик кечинмаларнинг устуворлигида кўринади. Нозик ва инжа ҳислар, лирик қаҳрамон руҳий ҳолатларининг ранг-баранг ҳаракати ва шиддати шоир лирикасига ажиб руҳ бахш этади»<sup>8</sup>. Мақолада Ж.Камол ижодининг яна бир қирраси – адабиётшунослик фаолияти ҳам таҳлил этилган. Хусусан, унинг «Лирик шеърятда композиция», «Тарихий драма» сингари салмоқли ишлари шеър ва драма назариясини бойитиб келмоқда. О.Сафаров шоирнинг «Аср билан видолашув» сайланмаси бадий мундарижаси ҳақидаги кузатишлари ҳам эътиборли. Шоирнинг биргина мухаммаслари борасида билдирилган фикрлар буни тасдиқлаб туради:

<sup>5</sup> Рахимджанов Н. Лирическая поэма (на основе материалов узбекской поэзии 1961-1973 гг.): Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Ташкент, 1975. – С.11-12.

<sup>6</sup> Рахимджанов Н. Тенденции развития современной узбекской поэзии (70–80-е годы). Автореф.на соиск.ученой степ.докт.филол.наук. – Ташкент,1989. – С.23.

<sup>7</sup> Рахимджанов Н. Тенденции развития современной узбекской поэзии (70–80-е годы). Автореф.на соиск.ученой степ.докт.филол.наук. –Ташкент,1989. – С.29.

<sup>8</sup> Сафаров О. Улкан шоир ва истеъдодли таржимон. Аср ҳақиқатларининг шеърый тараннуми. Зиёрат замзамалари ёхуд “Сафар дафтари” шеърый туркуми. Китобда: Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. – Бухоро: Дурдона, 2015. –Б.380.

«Жамол Камол наинки Алишер Навоий, Бобур, Фузулий, Бобораҳим Машраб, Фурқат сингари мумтоз шоирлар ва замондоши Э.Воҳидов ғазалларига боғлаган тахмислари, балки ўз мухаммаслари билан ҳам мухаммаснависликда моҳирлик кўрсата олди. Шу асарлари билан устозлари истеъдодига юзма-юз тура билди, улар ғазалларида ифодаланган дардларга дарддошлик, оҳангига эса ўз қалб оҳанглари пайваста этиб, замон муаммоларини ифодалашга журъат қилди»<sup>9</sup>. О.Сафаровнинг ижодий портрет характеридаги мақолалар туркуми ҳозирга қадар шоирнинг серқирра ижоди теран ўрганилган махсус тадқиқот сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Ж.Камол ижодига бағишланган тадқиқотлар қаторида адабиётшунос И.Ҳаққуловнинг ҳам бир қатор мақолаларини тилга олиш зарур. Бу тадқиқотларда Жамол Камол шеъриятига хос муҳим хусусиятлар ифода этилган: «Истеъдодли шоир асарларини назардан ўтказсангиз, ўзи йўқ вақтларга, яъни тириклигидан кейинги олис йилларга ҳам у олис нигоҳ ташлай олганлигига иқрор бўласиз. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чин шоир хаёл ва тасаввурларда келажак насллар орзулари билан яшаб, аждодлар айтиб улгурмаган саволларга ўзича жавоб топади. Бу муҳим фазилатга вақтни чуқур идрок этолган шоир эриша олади. Жамол Камол ана шундай шоирлардан бири»<sup>10</sup>. Ҳақиқатан, миллатнинг ҳақиқий шоири ўз халқи қалбини акс эттиради: унинг ўтмишидан сабоқлар чиқаради, бугуни билан яшайди, келажакка катта умид билан қарайди.

Шу билан бирга ушбу фаслда Ш.Ҳасанов, Д.Қувватова, А.Самад, Р.Раупов ишларига ҳам муносабат билдирилган. Адабиётшунослигимизда шоир ижодига бағишланган тадқиқотларга таянилган ҳолда, унинг ижодий биографиясига чизгилар берилади.

Бобнинг иккинчи фаслида Жамол Камол ижодининг жанрий таркиби ва мавзулар мундарижаси хусусида фикр юритилган. Маълумки, шоир ижоди шакл ва мазмуни, серқирралиги билан Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Зокиржон Фурқат сингари мумтоз сўз санъаткорлари асарларига уйғунлик касб этади. Шу қараш асосида шоир ижодидаги жанрлар таснифланган: 1. Лирик турдаги асарлар (ғазал, рубоий, фард, мустазод, тарона, мухаммас, саккизлик, бадиҳа, туркум шеърлар). 2. Вазни ва бадий шаклига кўра (бармоқ, аруз ва эркин вазндаги ҳамда маснавий шаклидаги шеърлар). 3. Лиро-эпик турдаги асарлар (баллада, дoston). 4. Синкретик жанрлар (киноқисса). 5. Бадий таржималар (Ғарб ва Шарқ адабиётидан бевосита таржималар).

Шоир лирикасида анъанавийлик уч хил йўналиш касб этган: 1. Ж.Камолнинг ғазал, мухаммас, рубоийлари, маснавий шаклида ёзилган аруздаги дostonлари ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарининг давоми эканлигини таъкидлаш зарур. 2. Шоирнинг бармоқ вазнидаги шеърлари, дoston, баллада ва бадиҳаларида халқ оғзаки лирикаси ва замонавий ўзбек

<sup>9</sup> Сафаров О. Улкан шоир ва истеъдодли таржимон. Аср ҳақиқатларининг шеърӣ тараннуми. Зиёрат замзалари ёхуд “Сафар дафтари” шеърӣ туркуми. Китобда: Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. –Бухоро: Дурдона, 2015. – Б.389.

<sup>10</sup> Иброҳим Ҳаққул.Ҳаёт Адабиёт ва Абадият. – Тошкент: // Таффақкур нашрети 2019. – Б. 144.

шеъриятдан илҳомланиш хусусияти кўзга ташланади. 3. Шоирнинг бармоқ вазида ёзилган шеърларидаги симметрия ҳодисаси Усмон Носир ва Ҳамид Олимжон сингари таниқли шоирлар бошлаган анъаналар тарзида кўзга ташланади.

Шоир шеъриятида новаторлик жиҳатлари ҳам уч йўналишда намоён бўлган: 1. Шоир кўхна арузга замонавий мазмун олиб кирди. Бу ижодкорнинг йирик ҳажмли дoston жанрида аруздаги ниҳоятда мураккаб рубоий вазнларини қўллаганлиги билан боғлиқ. 2. Тарона жанри ўзбек шеърияти учун янги ҳодиса. Унда мазмун жиҳатидан мумтоз адабиётдаги рубоий ва бадий шакл нуқтаи назаридан замонавий шеъриятдаги тўртликнинг синтезини кузатиш мумкин. 3. Жамол Камолнинг кенг миқёсли Ғарб ва Шарқ адабиётидан амалга оширган шеърий таржималари ҳам новаторона қадамлар сифатида баҳоланиши мумкин.

Фаслда шоир шеърлари мавзусига кўра гуруҳланган ва ҳар бирига хос хусусиятлар таҳлиллар орқали очиб берилган. 1. Ватан мавзусидаги шеърлар («Ўзбекистон», «Ўзбекистон тун», «Энг буюк тупроқ», «Ватан», «Юртим», «Бухородан, Бухородан», «Фохирам»). 2. Муҳаббат мавзусидаги шеърлар («Дема гул юзли ёрим, «Соғинсам гул юзингни», «Кўраманму сени?», «Ишқинг жонимда эрдию», «Ёдингни ёд этиб», «Уйқумда йиғлайман», «Эй на хуш дамларки ул»). 3. Ахлоқий мавзудаги шеърлар («Айтсинлар», «Бахиллик», «Қалбдан садо», «Файласуф билан суҳбат» ва бир нечта саккизликлари). 4. Табиат мавзусидаги шеърлар («Барқут», «Тун чорлайди», «Шабнам», «Тун. Боғимда кезаман», «Табиат базми»).

Шоирнинг Ватан ҳақидаги битиклари янги ташбеҳ ва сифатлашларга бой. «Ўзбекистон» қасидасини ўқиган ҳар бир китобхон қалбида Ватанга чексиз муҳаббат ҳис-туйғулари жўш уради. Маълумки, худди шу номда Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовлар шеър битдилар. Ойбекда ижтимоийлик етакчилик қилса, Ҳ.Олимжонда Ўзбекистон табиатига ошуфталик руҳи кўзга ташланади. А.Орипов ва Э.Воҳидов битикларида эса юртнинг шонли тарихи, кечаси ва бугуни акс этган. Жамол Камол шеъри ҳам уларга эргашади. Шеърдаги ҳис-туйғу ва воқелик ифодаси мантиқий, изчил тадрижда, бир-бирини тўлдиради, ижтимоий жараёнлар негизини теран очган ҳолда юксак бадиият билан тасвирланади. Фаслда «Ўзбекистон туни», «Бухородан, Бухородан» «Аввал Ватан, кейин жон» каби шеърлари таҳлил этилган. Хусусан, «Отамнинг отаси, эй буюк тупроқ», «Онамнинг онаси, эй буюк тупроқ» сатрлари, «ёнар ёқут», «саодатбоши», «Алишер қалбининг ширин жавлони...» , «Бечора Фурқатнинг ҳақир кўз ёши» сингари бетакрор ташбеҳ ва сифатлашларида Ватан образи бўй кўрсатиб туради.

Шоирнинг ишқ мавзусидаги «Бу юрт», «Муҳаббат не ўзи деб сўрмагил», «Яна кўнглимда ул ой», «Ғиждувоним», «Табассум қўшиғи», «Муҳаббатни», «Севганим зебо санам» сингари шеърлари нафақат кўнгили гўзалига, балки беқиёс ватанга қайноқ муҳаббат туйғулари билан тўлиб-тошган. ишқ бир коса сувга қиёс этилган. Бу шеърлардаги ташбеҳ ва истиоралар ҳам оҳорли. Хусусан, ишқнинг «не савдо» «ғиждувоний ҳусн»,

«ғиждувоний ишқ» «юрак осмони», «осмоний шуъла» дея таъриф этилиши, маъшуканинг «Кўнгилдаги ул ой»га, ошиқнинг эса «ёнгувчи оташ»га қиёсланиши мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради. Қолаверса, шоир шеърларида Рауф Парфи оҳанглари эшитилади.

Шоирнинг ахлоқий мавзудаги шеърларига хос анъанавийлик Имом Ғаззолий, Умар Хайём, Фаридуддин Аттор ижодидан таъсирлангани билан боғлиқ. Шу жиҳатдан «Бахиллик» шеъри таҳлил этилади. Жумладан, у бахил ва ҳасадгўй инсонларни «Ис босган мўридек ичлари тутун»га, сояга қиёслайди. Бошқа бир шеърида эса ёруғ дунёда яшаётган инсонни «анвойи оғоч»га, яъни дарахтнинг яшнаб турган яшил япроғига ўхшатади.

Ж.Камол табиат мавзусидаги шеърларида тун ва тонг, табиат фасллари тасвири ифода этилган. Бу жиҳатдан шоирнинг «Тун чорлайди», «Булут» шеърлари таҳлилга тортилган. Бинобарин, шеърятимизда баҳорни келинчакка менгзаш анъанасини янгилаб, тунни қорасоч барно келинчакка ўхшатади. «Қорасоч» туннинг қоралигини билдирса, уни ёритиб турадиган ой келинчакни ифода этади. Ёки қишда сувнинг музлаши манзараси ҳам жуда оҳорли: «ноз уйқуда тин олган» бу муздир. Қарғаларнинг кўкдаги парвози қора атласга қиёсланган. Бу шоирнинг бетакрор топилмасидир. Шафақнинг қизиллиги ёқутга ўхшатиш билан. Айни вақтда бир мисранинг ўзида ёқут шафақни осмоннинг нури хандони – кулиб туриши дея ташбеҳ иккилантирилганлиги кузатилади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Жамол Камол шеърятига анъанавийлик ва новаторлик белгилари»** тарзида номланган ва тўрт фаслни ўз ичига олади. Дастлабки фаслда шоир ғазалларининг жанрий ўзига хослиги «Яна кўнглимда ул ой» арузий тўплами ва олти жилдлик асарларининг «Аср билан видолашув», «Ёнаётган дала» деб номланган қисмларидан ўрин олган ғазаллари мисолида очиб берилган. Ж.Камолнинг мумтоз жанрдаги асарлари ҳақида И.Ҳаққулов, Ш.Ҳасановларнинг теран илмий кузатишлари мавжуд. Бинобарин, шоир ғазалларининг анъанавийлик хусусияти қуйидагиларда кўринади: маълумки, ғазал қофияланишига кўра бир неча турга бўлинади. Бу ҳақда адабиётшунос Д.Қуронов ёзади: «...қофияланиш тартиби ёки қофия санъатларининг қўлланилишига кўра ғазали хусни матлаъ (а-а, а-а, б-а, в-а), ғазали қитъа (б-а, в-а, г-а), ғазали мусажжаъ (барча пайтларда ички қофия бор), ғазали зеб қофия (а-а, а-а, а-а, а-а), ғазали зулқофиятайн ( а-а, б-б, в-в, г-г); бирор шеър санъати асосига қурилгани ёки яратилиш тарзига кўра ғазали-мувашшаҳ, ғазали-чистон, ғазали-назира, ғазали-мушоира в.б.»<sup>11</sup> Шу жиҳатдан шоир ижодида ғазали мусажжаъ, ғазали мувашшаҳ, ғазали назира сингари кўринишлари мавжудлиги аёнлашди. Заҳириддин Бобур ижодида бадийий такомил топган ғазали мусажжаъ Жамол Камол ижодида ҳам мавжуд. Жумладан, «Бу юртдан» ғазали эътиборли:

Бошимда бўйла бир савдо,

Қошимда бўйла бир ғавғо,

<sup>11</sup> Қуронов, Д., Мамажонов З. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. Тошкент: Академнашр, 2010. – Б.386.

Бу ғамларни ичга  
Ютай дерман, кетолмасман.  
Анисим – тош каби болиш,  
Ичимда ўтли бир нолиш  
У болишда бу нолишдан  
Узун тунлар ётолмасман<sup>12</sup>.

Жамол Камолнинг мувашшаҳ-ғазалида мумтоз адабиётдаги анъана давом эттирилган. Ушбу мувашшаҳ шоирнинг рафикаси, севимли умр йўлдоши Воҳида аяга бағишланган. Бу шеърнинг ўзига хослиги шундаки, унда ғазал жанри табиатидан келиб чиқиб, исмдаги ҳарфлар байтда ўз ифодасини топган. Назира арабча сўз бўлиб, «ўхшаш» деган маънони билдириб, «лирикада эргашиш йўли билан, жавоб ва ўхшатиш тарикасида, адабий мусобақа тарзида ёзиладиган лирик шеър жанри»<sup>13</sup>. Жамол Камолнинг «Ўландан сўр» ғазали Фузулийнинг шу номдаги машҳур ғазалига ўхшатма тарзида битилган. Яъни шоир мавзуга ижодий ёндашган: Фузулийнинг ғазали соф ишқий мавзуда битилган. Жамол Камол эса унга ижтимоий мазмун бериб, истиқлол мавзусини кўтариб чиққан, унга давр руҳини, истиқлолга интиқлик туйғуларини сингдирган. «Пахтакорим» ғазали бошдан охир тажохули ориф ва такрор санъатлари асосида қурилган ва Муниснинг «Қайси» деб бошланувчи ғазалига назира сифатида битилганлиги кузатилади.

*Ўзбек мумтоз ғазалиётида асар қаҳрамонлари номларини талмех қилиб келтириш* ўзига хос адабий анъана ҳисобланади.

Соядек чўл кезди Мажнун  
Лайлидан бир соя деб,  
Пойига бош урди хўнграб  
Мисли мажнун соялар<sup>14</sup>.

Юқоридаги сатрларда «Лайли ва Мажнун» достони қаҳрамонлари талмех қилинган. Достон сюжетида маълумки, Мажнун Лайлини саҳродан излайди. Кимсасиз саҳрода Мажнун Лайлини излаб соядек кезади. Бунда ташхис ҳам бор. Яъни соялар ёр кўйида «хўнграб» пойига бош уради.

*Мумтоз ғазалиётда оҳангдорликни, муסיқийликни таъминлаш мақсадида товуш такрорини қўллаш* анъанавий ҳисобланади. Жамол Камолнинг ғазалчиликдаги изланишларида аллитерация орқали поэтик фикрни таъсирчан ифодалаш хусусияти кўзга ташланади.

Санамо, сочларинг силсиласи  
Тоғдаги сунбулми, нигор.  
Қоматинг сувратини  
Сарву санобар билдим<sup>15</sup>.

<sup>12</sup> Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. II жилд. Ёнаётган дала. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. – Б. 193.

<sup>13</sup> Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.173.

<sup>14</sup> Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. I жилд. Аср билан видолашув. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. – Б. 265.

<sup>15</sup> Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. I жилд. Аср билан видолашув. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. – Б. 362.



Юқоридаги сатрларда «с» товуши (санамо, сочларинг, силсиласи, сунбул, суврат, сарву санобар) орқали товуш такрори ҳосил қилинган. Маъшуканинг сочи тоғдаги сунбулга, қомати сарву санобарга ўхшатилади.

Шоир ғазаллари, асосан, рамал, ҳазаж, ражаз бахрларида ёзилган. Жумладан, «Қуёш камарбаста» ғазали ҳазажи мусаммани ажабб вазнида ёзилган.

Ба-ҳор та-ман/но-та-ман-но / юриб ас-та-/ас-та,  
Қу-ёш гул-хо/на-си-дан тиз/ди эл-га гул/дас-та<sup>16</sup>.  
V - - - / V - - - / V - - - / V - /  
Ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ фа-ал/

Бобнинг иккинчи фаслида мухаммасларда услуб ва тасвир масаласи ёритилган. Жамол Камол мумтоз адабиётимизнинг янги адабиётдаги бетакрор давомчисидир. У болалик йилларидан Шарқ мумтоз адабиётига меҳр қўйди. Хуршид Даврон Жамол Камолга бағишланган мақоласида бу ҳақда ёзади: «Жамол Камол бир мақоласида «Болаликдан Бобур рубоийларини ёд олганман, кейин Навоий ғазалларини...» деб ёзади. Айни шу сабабдан бўлса керак, шоир ўзининг илк шеърларидаёқ «сиёсий лирика»дан йироқлигини, азалий, бобомерос туркча ва ўзбек шеърини ақидаларни эътироф этган, фақат ўзига хос оҳангу ранг топа олган миллий шуурли ижодкор эканини намойиш эта билди<sup>17</sup>. Ҳақиқатан, Жамол Камолнинг моҳир мутаржим сифатида камол топишида Жалолиддин Румийнинг руҳи қандай мадаккор бўлган бўлса, шоир сифатида ўз ўрнига эга бўлишида Алишер Навоийнинг бетакрор ижоди унга пойдевор вазифасини ўтади. З.Бобур, Фузулий, Машраб, Фурқат ва замонавий адабиётимизнинг улкан вакили Э.Воҳидов ғазалларига боғланган тахмис мухаммасларида янада тўлиша борди. Шу жиҳатдан шоир мухаммасларини иккига бўлиш мумкин: 1. Мустақил мухаммаслар («Ватан ҳақида мухаммас», «Китобсиз эл», «Дўстлар, уюшмоқ онидир», «Эй, азиз қондош-қариндош, ўзлим, турким менинг»). 2. Тахмис-мухаммаслар (Навоийнинг «Асру», «Қизил, сориг, яшил» радифли ғазалларига, Бобурнинг «Хазон яфроғи янглиғ» деб бошланувчи, Фузулийнинг «Ёраб, балойи ишқ» деб бошланувчи ғазалларига, Машрабнинг «Эмас» радифли, Фурқатнинг «Булбул» радифли ғазалларига боғланган). Шу тасниф асосида шоир мухаммаслари таҳлил этилган. Таҳлилларга таянган ҳолда шоирнинг тахмис мухаммасларда анъанавийлик руҳи устуворлик қилса, мустақил мухаммасларда мазмуннинг ижтимоийлашуви, қасида руҳи етакчилик қилади, деган хулосага келинган.

Бобнинг учинчи фаслида Ж.Камолнинг рубоий ва тарона жанрдаги шеърларига хос хусусиятлар текширилган. Маълумки, рубоий Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган лирик жанрдир. Умар Хайём, Пахлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Мунис сингари мумтоз шоирлар ижодида бу бадиий тараққиётга эришган. Замонавий ўзбек шеърлятида рубоийнавислик анъанаси М.Шайхзода, Шухрат, Ж.Камол, Рамз Бобожон,

<sup>16</sup> Жамол Камол. Сайланма. Олти жилдлик. I жилд. Аср билан видолашув. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. – Б. 320.

<sup>17</sup> Даврон Х. Кўкси куйик шоир. WWW.Kh-davron.uz

М.Кенжабек сингари шоирлар ижодида муваффақиятли давом эттирилди. Жамол Камол ижодида мазкур жанрнинг мустаҳкам ўрин эгаллашининг асосий омили, аввало, унинг Шарқ адабиётини яхши билиши бўлса, иккинчидан, Умар Хайём, Ибн Сино, Бобо Тоҳири Урён рубоийларини форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўгириши ҳисобланади. Таржима жараёни шоирнинг бадиий юксалишига катта таъсир кўрсатди. Шу жиҳатдан шоир рубоийлари бадиий мазмуни ва шаклига кўра Шарқ шеърляти сарчашмаларидан сув ичган. Бинобарин:

Бер-гил ме/-нга бир на-фас Бу/-хо-ро бўйи-дин,  
Кўй-гил ме/-нга бир ко-са Бу/-хо-ро су-йи-дин,  
Эй бо-ғу /ча-ман-лар кў/-йи-да эр-ка са-бо,  
Кел-тир ме/-нга бир на-сим/ Бу-хо-ро ку/-йи-дин...<sup>18</sup>  
Маф-ув-лу/ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лу/ фа-ал

Ҳазажи мусаммани макфуфи ажабб вазнида битилган ушбу рубоий улуғ Рудакийнинг «Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме»<sup>19</sup> деб бошланувчи Ватанга ёниқ муҳаббат туйғулари билан йўғрилган кўхна оҳанглар, сатрларни ёдга солади. Хусусан, «Бухоро бўйи», «Бухоро суйи», «Бухоро куйи» сингари тасвирлар буни тасдиқлаб туради. Зеро, Бухоро шоирнинг туғилиб ўсган она Ватани. Уни шоир қилиб танитган юрт эса азим Тошкентдир. У Тошкентда яшар экан, Бухорога бўлган улкан бир меҳрни, муҳаббатни туяди. Шу боис Бухоро бўйи, шу томондан келгувчи тоза ифорлар, Бухоро сувига ташналик сезади. Шу юртдан эсгувчи саболардан Бухоро ҳақида хабар келтиришини истайди.

Жамол Камол рубоийлари Навоий ва Бобурнинг рубоийлари билан уйғунлик касб этганлигини кузатиш мумкин. Навоийнинг ишқ мавзусидаги қуйидаги рубоийси фикримизга далилдир:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз<sup>20</sup>.

Бобурда:

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,  
Жисмимда менинг руҳу равоним сенсен,  
Бобурнинг сенингдек йўқ ёри азиз,  
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен<sup>21</sup>.

Жамол Камолда:

Лутфинг-ла суюклигимни сен билсанг эди,  
Меҳринг-ла буюклигимни сен билсанг эди.

<sup>18</sup> Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. – Б.257.

<sup>19</sup> Шоирони аҳди сомониён. – Душанбе, 1999. – С.19.

<sup>20</sup> Алишер Навоий. Қитъалар. Фардлар. Рубоийлар. Туюқлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. – Б.68.

<sup>21</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 89.

Ёққан оловингда ўртаниб, эй жон,  
Ҳар лаҳза куюклигимни сен билсанг эди...<sup>22</sup>

Юқоридаги уч рубоий мавзу, мазмун жиҳатдан мутаносибдир. Аввало, ишқ мавзуси бу уч рубоийни боғлаган. Қолаверса, образ бирлиги, яъни «сен» иккинчи шахс кишилиқ олмошида акс этган маъшуқа тимсоли бирлаштириб турибди. Шу билан бирга Навоийда «умри азиз», Бобурда «ҳаёти жон», «руҳи равон», «умри жовидон», Ж.Камолда «эй жон» бу образнинг янада аниқлаштирилган ташбеҳлари бўлиб, шоирнинг адабий анъанага ворислигини асослаб туради. Ёхуд шоирнинг тарона жанридаги асарлари бадиий шакли, а-а-б-а тарзида қофияланиши билан тўртлик, ишқий, ахлоқий-тарбиявий мавзуларда битилганлиги билан рубоийга яқин. Шу жиҳатдан тарона рубоий ва тўртлик жанрларининг синтези, дейиш мумкин.

Бобнинг тўртинчи фаслида Ж.Камолнинг саккизликлари ва бармоқ вазнидаги шеърлари ўрганилган. XX аср ўзбек шеърлятидаги саккизлик поэтик шакли Шарқ лирикасидаги анъанавий мусамман шеърий шакли заминида юзага келган бўлиб, Европа шеърлятининг қадимий октава жанри таъсирида янгича шакл ва мазмун касб этди. Ўзбек адабиётшунослигида ушбу жанрга хос хусусиятлар Ш.Алдашеванинг тадқиқотларида монографик тарзда ўрганилган<sup>23</sup>. Кузатишларимиз, саккизликнинг Шарқ шеърлятидаги мусамман, Ғарб адабиётидаги октава жанри синтези сифатида юзага келган жанр эканлигини кўрсатди. Жумладан, шоир «Бахиллик» шеърида бахилнинг ҳақиқий қиёфасини чизиб беради. Ҳалол йўл билан топилган ризқ ҳамиша баракали бўлади. Шоирлик қисмати ҳалолликни, виждон ва имон поклигини, руҳан баркамолликни талаб этади: Биз учун ҳалолдир шу азим дунё, // Юраклар юлдузи шу ёруғ Ватан // Биздан бадавлати бўлмагай зеро, // Биздан йўқсили ҳам бўлмагай зотан, // Бизни деб чалинар чаманларда най, // Бизни деб чарх урар фалакда офтоб // Ишқу аламларда айтилганидай: «Пок-покиза юрак – бир қатра симоб»<sup>24</sup>. Шоир бахилни, ҳасадгўй инсонларни «Ис босган мўридек ичлари тутун»га, сояга қиёслайди.

Шу билан бирга ушбу фаслда шоирнинг бармоқдаги шеърларига хос хусусиятлар ёритилиб, «Алвидо» «Абдулла Қаҳҳор хотираси» «Улуғбек» «Хиёнат» кабилар таҳлил этилган. Жумладан, «Хиёнат»да шоир инсониятни ҳамиша ўртаб келаётган, ёвузликларга асос бўлган хиёнат тарихига назар ташлайди: У – инсон захридан кўкарган анчар, // У – одам зотига иблис тамғаси. // Ҳамон кезиб юрар, кўйнида ханжар, // Мунофиқ созида мотам нағмаси<sup>25</sup>.

Шоир хиёнатни инсон захридан кўкарган анчар деб таърифлайди. Анчар – афсонавий захар дарахтининг номи. Муқаддас Қуръони Каримда бу

<sup>22</sup> Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. – Б.283.

<sup>23</sup> Алдашева Ш. 70-90 йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик шеърий туркуми табиати. Филология фанлари бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. – Б.16-17.

<sup>24</sup> Жамол Камол. Аср билан видолашув. Сайланма. Олти жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. – Б.157.

<sup>25</sup> Жамол Камол. Аср билан видолашув. Сайланма. Олти жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. – Б. 114.

дарахт заққум деб тилга олинган<sup>26</sup>. А.С.Пушкин шеърда ҳам бу дарахт номи тилга олинган<sup>27</sup>. Хиёнат эса инсон захридан кўқарган анчардир.

Жамол Камолнинг бармоқ вазнидаги шеърлари орасида тарихий шахсларнинг лирик образлари яратилган асарлар муҳим ўрин тутди. Жумладан, унинг «Улуғбек» номли шеъри ўзининг тарихий асосларига эга: Кўҳак кўрғонини кучоқлаб, куршаб, // Мажнунтоллар турар, сочлари ёзиқ. // Соч ёзиб туришар санамга ўхшаб // Ва лекин гуллари самога чўзиқ...<sup>28</sup> Кўҳак кўрғони XV аср Самарқандини ёдга солади. Бу кўрғонда «сочлари ёзиқ мажнунтоллар» санамга ўхшаб туриши ва гуллари самога бўй чўзган манзараси Улуғбекка ишора сифатида англаш мумкин. Маълумки, тарихий шахслар образлар ҳақида “собик тузум даврида ёзилган асарларда кўпроқ уларнинг ҳукмдор, саркарда сифатидаги фаолиятига урғу берилган”<sup>29</sup>. Шоир эса шеърда Улуғбекнинг инсоний фазилатларига алоҳида эътибор қаратган.

